

«У Каъбул Аҳбордан сўради: «Аллоҳнинг Китобида қайси нарсалар ота-онага оқ бўлиш ҳисобланади?»»

«Мен сенга хабар бераман: агар у қасам ичса, бола унга амал қилмаса, сўраганида бермаса, омонат қўйса-ю, қайтармаса ва Аллоҳга ундан (боласидан) кўрган нарсаси ҳақида шикоят қилса, ўшаларнинг ҳаммаси оқ бўлиш бўлади», деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятда боланинг ота-онага оқ бўлиб қолишига сабаб бўладиган амаллардан баъзилари зикр қилинмоқда:

1. Ота-она боласи ҳақида қасам ичса, бола унга амал қилмаслиги.

Яъни, ота-она боласини ўртага қўйиб қасам ичди. Улар қасамхўр бўлмаслиги учун бола қасамдаги ишни қилиши лозим. Агар бепарво бўлиб, мазкур амални қилмай, ота-онани танг ҳолга солиб қўйса, уларга оқ бўлади.

2. Ота-она боласидан бирор нарсани сўраса, бола имкони бўлиб туриб, бермаслиги.

Ота-она ҳожатманд бўлибми, кўнгли тусабми ёки бошқа бир сабабданми, боласидан бирор нарсани беришини сўради. Бола ўша нарсани дарҳол, хурсандчилик билан ота-онасига бериши керак. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида айтилганидек, боланинг ўзи ҳам, моли ҳам отаникидир.

Агар бола ота-онаси сўраган нарсани бермаса, уларга ёмонлик қилган ҳисобланади ва бу ёмон иши билан ота-онасига оқ бўлади.

3. Ота-онасининг омонатига хиёнат қилиши.

Ота-она боласига бирор нарсани омонат қилиб топширса-ю, у омонатга хиёнат қилса, ота-онасига оқ бўлади. Бегона, ҳатто ғайридин одамнинг омонатига хиёнат қилиш ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Шундай экан, ота-онанинг омонатига хиёнат қилиш уларга оқ бўлиш учун кифоя қилади.

4. Фарзанд ота-онаси у ҳақда Аллоҳга шикоят қиладиган иш қилиши.

Яъни боланинг бир қилмишлари борки, ота-онаси уларга чидай олмасдан, Аллоҳга ёлвориб: «Аллоҳим, болам мени шундай қилди», деб шикоят қилса, ўша бола ҳам оқ бўлади.

5. Ота-онага қилиш лозим бўлган яхшиликни қилмаслик «салбий оқ бўлиш» деб аталади. Улардан бирортасини қилмаган одам ота-онасига ўша соҳада оқ бўлаверади.

6. Ота-онага оқ бўлиш амалий ва каломий қисмларга бўлинади. Ота-онага гап-сўз билан озор етказган одам уларга каломий оқ бўлади. Ота-онага бир қилмиши билан озор берганлар амалий оқ бўлади.

Буларга ота-онани малол олиш, уларга дўқ қилиш, ғазаб кўрсатиш, тик қараш каби нарсалар киради.

7. Ота-онага оқ бўлишнинг умумий ўлчови шуки, бегона кимсага қилинса, кичик гуноҳ бўладиган амаллар ота-онага нисбатан қилинганда катта гуноҳга айланади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.